



Жамоат хавфсизлиги университети  
магистри адлия подполковниги  
Ирсалиев Зоир Махмудкулович.

## Ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилаётган маъмурий ҳуқуқбузарликларни тартибга солиш ва айрим турдаги жиноий жазоларни либераллаштириш.

**Аннотация:** ушбу мақолада, ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилаётган барча турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ваколатини ҳарбий судларга ўтказиш, транспорт воситаларини бошқариш жинояти учун тайинланадиган жазони енгиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Таянч иборалар:** ҳарбий жиноятлар, маст, кўпол интизомбузарлик, жанговар, махсус ёки транспорт машиналари, суд ваколати, адолат.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйлаб 1,2 миллион киши йўл-транспорт ҳодисалари қурбони бўлади, 50 миллионга яқин киши жароҳат олади ёки ногирон бўлиб қолади.

Йўл-транспорт жароҳатлари мамлакатларга йилига 518 миллиард долларга тушади, бу уларнинг ялпи миллий маҳсулотининг ўртача бир-икки фоизини ташкил қилади. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад даражаси паст ва ўрта бўлган мамлакатлар энг катта юкни кўтаради. Мутахассисларнинг фикрича, агар яқин келажакда йўллардаги вазиятни яхшилаш бўйича қатъий чоралар кўрилмаса, 2025-йилга бориб бу мамлакатларда йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида ҳалок бўлганлар сони 80 фоизга ошади.<sup>6</sup>

Оммавий ахборот воситаларида деярли ҳар куни Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари ҳақидаги хабарлар қулоққа чалинади, ачинарлиси, уларнинг аксарияти ўлим билан якун топмоқда.

Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, республика ҳудудида йилига ўртача 9-10 минг йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлади. Улардан 2 мингдан ортиғида инсонлар ҳалок бўлмоқда. 2018 йилнинг ўзида Ўзбекистонда 2 минг 262 нафар киши ЙТХ қурбони бўлди. Ҳалок бўлганлар сони 2017 йилга нисбатан 8,5 фоизга камайган бўлсада (2 минг 473 киши), бу кўрсаткич ҳамон юқори – бир кунда 6 киши.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Бош Қўмондон Шавкат Мирзиёев 2022 йил 11 февраль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида йилдан йилга автотранспорт воситалари ва ҳайдовчилар сони кўпайгани билан уларнинг маданияти, ўзаро ҳурмат ва билим-тажрибаси пасайиб бораётганини, аварияларнинг 75 фоизини 35 ёшгача бўлганлар содир этганлиги ва ҳар йили 500 минг киши ҳайдовчилик гувоҳномаси олиши, лекин 25 фоизи машғулотларга қатнашмаслигини

<sup>6</sup> Агуреева, О.В. В помощь пересекающему границу / О.В. Агуреева. - М.: Гросс Медиа, 2006. - 256 с.



очик танқид қилиб, Ўзбекистонда ҳайдовчиликка ўқитиш ва гувоҳнома бериш бўйича янги тизим яратилишини маълум қилди.

Кўйилган вазифаларни амалга ошириш бўйича 2022 йил 4 апрелда “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-190 сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга кўра, йўл ҳаракати қоидалари асосларини болаликдан сингдиришни йўлга қўйиш, ушбу амалиётни мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларида жорий этиш; йўл ҳаракатини ташкил этишни тўлиқ рақамлаштириш, ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимига инновацион педагогик технологияларни жорий қилган ҳолда, ўқув жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш устувор вазифалар сифатида белгилаб берилди<sup>7</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли “Йўл ҳаракати Қоидалари” тўғрисидаги қарори 6 бандида “Йўл-транспорт ходисаси — транспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиши жараёнида рўй берган, фуқароларнинг ҳалок бўлишига ёки соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юкларнинг шикастланиши ёхуд бошқа моддий зарар етишига сабаб бўлган ҳодиса.

Йўл ҳаракати — одамлар ва юкларнинг транспорт воситалари ёрдамида ёки бундай воситаларсиз йўллар доирасида ҳаракатланиши жараёнида юзага келувчи муносабатлар мажмуи.

Транспорт воситаси — одамларни, юкларни ташишга ёки махсус ишларни бажаришга мўлжалланган қурилма<sup>8</sup>”лиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 125-моддасида “транспорт воситалари дейилганда барча турдаги автомобиллар ва тракторлар, қишлоқ хўжалик, мелиорация, йўл-қурилиш машиналари ва бошқа ўзиюрар машиналар, трамвай ва троллейбуслар, шунингдек мотоцикллар ва бошқа механик транспорт воситаларини тушунмоқ керак”лиги берилган.

Қайд этилган кодекснинг 11-боби “Транспортдаги, йўл хўжалаги ва алоқа соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик” деб номланган бўлиб, ушбу бобнинг бир қатор моддаларида белгиланган ҳуқуқбузарликлар учун ҳарбий хизматчиларнинг маъмурий жавобгарлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 16-моддасида “Ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек ички ишлар органларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик учун интизом уставларига мувофиқ жавобгар бўладилар. Мазкур шахслар ижро ҳужжатини ижро этмаганлиги, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонунчиликни, йўл ҳаракати қоидаларини, ов қилиш, балиқ тутиш ва балиқ захираларини сақлаш қоидаларини,

<sup>7</sup> <https://uza.uz/posts/201734> “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати матбуот хизмати 10.03.2023 йил.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли “Йўл ҳаракати Қоидалари” тўғрисидаги қарор.



божхона қоидаларини бузганлиги учун умумий асосларда маъмурий жавобгар бўлади.

Юқорида кўрсатилган шахсларга нисбатан маъмурий қамоққа олиш чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчиларига жарима солиниши мумкин эмас.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар жумласига кирмайдиган, интизом уставлари ёки интизом тўғрисидаги махсус қоидалар татбиқ этиладиган бошқа шахслар, ана шу устав ёки қоидаларда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолларда, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун интизомий жавобгар бўладилар, бошқа ҳолларда эса умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар” деб белгиланган. Юқоридагиларга кўра, транспорт воситасини бошқариш қоидаларини бузган ҳарбий хизматчилар Ўзбекистон Республикаси Интизом низомига кўра интизомий жавобгарликка эмас, балки, маъмурий ишлар бўйича суднинг қарорига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 256-моддасида “125-модда, 125<sup>1</sup>-модда 1-қисми, 126-моддасида, 127-модда 1-қисми, 128-модда 1, 2 ва 3 қисмлари, 128<sup>1</sup>, 128<sup>2</sup>-моддалари, 128<sup>3</sup>-модда 1, 2 ва 3-қисмлари, 128<sup>4</sup>-модда 1 ва 2 қисмлари, 128<sup>5</sup>-модда 1 ва 2-қисмлари, 128<sup>6</sup>-моддаси, 129-моддаси 1-қисми, 130-моддаси 1-қисми, 135, 135<sup>1</sup>, 138, 139, 140, 141-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллаш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги органлари номидан ҳарбий автомобиль инспекциясининг бошлиғи, катта инспектори зиммасига юклатилган.

Транспорт воситаларининг ҳайдовчилари – ҳарбий хизматчилар ва йиғинларга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар содир этган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомалар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда белгилаб қўядиган тартибда ҳарбий автомобиль инспекциясига юборилади” деб кўрсатилган.

МЖТКнинг 131-моддаси 1-қисми “Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш, яъни; Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини алкоғолли ичимликдан, гиёванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариши” ҳуқуқбузарлиги учун шахс (ҳарбий хизматчи) нисбатан “транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилу олти ойдан уч йилгача муддатга маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади”.

Эътиборлиси, биринчидан ҳарбий хизматчиларнинг спиртли ичимлик истеъмол қилиш факти Қуролли Кучлар низом талаблари ва тегишли буйруқларга кўра қўпол интизомбузарлик ҳисобланиб, ушбу интизомбузарлик учун ҳарбий хизматчи ҳарбий хизматдан бўшатилиши ҳам мумкин.

Иккинчидан мазкур моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарлик ички ишлар органи ходимлари томонидан расмийлаштирилиб, иш мазмунан кўриб чиқиш учун маъмурий судларга юборилади.

Учинчидан, транспорт воситасини маст ҳолда бошқарган ҳарбий хизматчига нисбатан маъмурий судлар томонидан юқорида кўрсатиб ўтилган жазо тайинланади.



Амалиётда бундай ҳуқуқбузарликни содир қилган ҳарбий хизматчи хизмат қилаётган (иш жойи) ҳарбий қисм ва муассаса раҳбарияти (мансабдор шахслари), ушбу ҳуқуқбузарликдан беҳабар қолиб, ҳарбий хизматчиларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилишини рўйхатини юритиш ва бундай ҳаракатларнинг олдини олиш ишлари эътибордан четда қолиб кетмоқда.

Қайд этилган камчиликни бартараф этиш ва ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилаётган барча турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиш ваколатини жойлардаги ҳарбий судлар зиммасига юклаш лозим деган фикрдамиз.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 45-моддасида “Ҳарбий судлар судловига - алоҳида ҳолатлар туфайли судлар фаолият кўрсатмаётган жойларда барча фуқаролик ва жиноят ишлари; қонун билан ўз ваколатига киритилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар киради” деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-бўлимида “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар” ҳақида тушунча берилган бўлиб, ушбу бўлимнинг 298-моддаси 1-қисми, яъни “Жанговар, махсус ёки транспорт машиналарини бошқариш ёхуд улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, – икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”. ЖКнинг айнан шунга ўхшаш қилмиш яна бир модда кўрсатиб ўтилган, яъни, 266-моддаси 1-қисми, яъни “Транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, – базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади”.

Таҳлилда, ушбу моддаларнинг биринчи қисмида назарда тутилган хатти-ҳаракатни содир қилган шахс (ҳарбий бўладими, фуқаро бўладими), жабрланувчи билан ярашса, келтирилган зарарни тўлиқ бартараф этган бўлса, ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддаси асосида, яъни, жиноят иши томонлар ярашувига кўра тугатилиши белгиланган. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар ичида ушбу моддага ва ниҳоят ярашув институти жорий қилинганини эътироф этган ҳолда, ҳарбий хизматчиларнинг ҳам манфаатлари ҳимоя қилинаётганига, адолат қарор топаётганига эътибор қаратилганини эътироф этган бўлардик.

Бироқ, 298-моддаси 1-қисмида содир этилган жиноят содир этилгач, томонлар ярашувга эришмади, жабрланувчининг айбдорга нисбатан даъвоси мавжуд бўлганда, ушбу жиноятни содир қилган ҳарбий хизматчига нисбатан қандай жазо қўлланилади, амалдаги ЖКга кўра, албатта, “икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

Шу ўринда бирор бир ҳарбий хизматчи ёки фуқаронинг машинани бошқаришга киришганда “мен бугун манзилга етгунча йўл транспорт ҳодисаси содир қиламан” деган мақсади бўлмаслигини, йўл транспорт ҳодисалари (ЖКнинг 266 ва 298-моддалари)нинг 99 фоизи эҳтиётсизлик натижасида содир этилишини инобатга олиш лозим бўлади.



Таҳлил этилаётган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 298-моддаси 1-қисмида белгиланган жазо бирмунча қатъий, шу сабабли ушбу модданинг жазо тизимини “икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади” деган сўзлар билан алмаштириш таклифини берамиз.

Бир хил кўринишдаги ва бир хил оқибатларга сабаб бўлган йўл транспорт ходисаси билан боғлиқ жиноятни содир қилган ҳарбий хизматчиларга нисбатан оддий фуқаролардан фарқли улароқ, қатъий жазо белгиланиши фикримизча адолатсиз ва қонунга зиддир.

### Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Жиноят, Жиноят процессуал тўғрисидаги кодекслари.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонун.
3. Ўзбекистон Республикаси “Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Низом.
4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги., Ш.З.Долимов, “Ҳарбий атамаларнинг қисқача изоҳли луғати”. Тошкент-2007й
5. Бош ҳайъат аъзоси А.Б.Азизхўжаев ва бошқа муаллифлар жамоаси., «Ўзбекистан миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006,.